



О'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

2020 yil « 23 » май

№ 329

Toshkent sh.

Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларининг чет эл валютасидаги маблағларини самарали бошқариш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тизимини янада такомиллаштириш ва давлат харидлари жараёнига тадбиркорлик субъектларини кенг жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 5 декабрдаги ПҚ-4544-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларининг чет эл валютасидаги маблағларини самарали бошқаришни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Белгилансинки:

бюджет ташкилотлари ва давлат мақсадли жамғармаларининг чет эл валютасидаги операциялари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилиги томонидан ғазна ижроси йўли билан амалга оширилади;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилиги томонидан бюджет ташкилотлари ва давлат мақсадли жамғармалари учун чет эл валютасида шахсий ғазна ҳисобварақлари очилади;

бюджет ташкилотлари ва давлат мақсадли жамғармалари томонидан тижорат банкларида чет эл валютасидаги банк ҳисобварақлари очилиши тақиқланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорларида назарда тутилган, шунингдек, давлат сири бўлган маълумотлар ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирлар билан боғлиқ ҳолатлар бундан мустасно.

2. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетлари чет эл валютасидаги маблағларининг ғазна ижроси тартиби тўғрисидаги қуийидагиларни назарда тутувчи низом иловага мувофиқ тасдиқлансин:

бюджет тизими бюджетларининг чет эл валютасидаги операцияларини ғазна ижроси орқали амалга ошириш тартибини белгилаш;

бюджет тизими бюджетларининг чет эл валютасидаги маблағларини самарали бошқариш;

давлат молиясини бошқариш ахборот тизими орқали бюджет тизими бюджетларининг чет эл валютасидаги операциялари бўйича ахборотларни жамлаш, ҳисоби ва ҳисботини юритиш;

замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда бюджет тизими бюджетларининг чет эл валютасидаги маблағларининг мақсадли сарфланиши устидан назоратни амалга ошириш.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 10 июлдаги 294-сон қарори билан тасдиқланган Биржадан ташқари валюта бозорида хорижий валютани харид қилиш ва сотиш операцияларини ўtkазиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 7¹-банди қўйидаги таҳrirда баён қилинсин:

“7¹. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларининг хорижий валютасига Ягона ғазна ҳисобварағидан фойдаланган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилиги орқали ғазначилик хизмати кўрсатиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади”.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари – Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Д.А. Кучкаров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил “23” май даги329-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетлари чет эл
валютасидаги маблағларининг ғазна ижроси тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизими бюджетлари (кейинги ўринларда – бюджет тизими бюджетлари) чет эл валютасидаги маблағларининг ғазна ижроси тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:
буюртмачи – бюджет ташкилоти ва давлат мақсадли жамғармалари;
ахборот тизими – бюджет тизими бюджетларининг бюджет жараёнини комплекс автоматлаштириш, шу жумладан, бюджет тизими бюджетлари ижроси билан боғлиқ операцияларни акс эттириш учун мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ахборот тизими;

“UzASBO” ДМ – бюджет ташкилотлари томонидан бюджет ҳисоби ва ҳисботининг юритилишини комплекс автоматлаштириш учун мўлжалланган дастурий мажмуа.

чет эл валютасидаги Ягона ғазна ҳисобварафи (кейинги ўринларда – **ЯВФХ**) – бюджет тизими бюджетларининг валюта операцияларини ғазна ижроси йўли билан амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилиги (кейинги ўринларда – Фазначилик) томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида очиладиган маҳсус банк ҳисобварафи;

чет эл валютасидаги операциялар тизими – бюджет тизими бюджетлари ЯВФХдан фойдаланган ҳолда ахборот тизими орқали амалга ошириладиган операциялар тизими;

Молия вазирлигининг чет эл валютасидаги операциялари – ташки қарзни қайтариш ҳамда давлат кафолатлари бўйича тўловларни амалга ошириш, халқаро ташкилотларга аъзолик бадалларини тўлаш, чет эл валютасини сотиш ва сотиб олиш, чет эл валютасидаги маблағларни бошқариш ва депозитларга жойлаштириш, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига мувофиқ бюджет ссудаларини ва субсидияларини ажратиш ҳамда кредит линияларини очиш, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармойишларига асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси маблағларини ажратиш билан боғлиқ операциялар.

3. Ушбу Низомнинг амал қилиши қонун хужжатларига мувофиқ бюджетнинг ғазна ижроси билан қамраб олинган бюджет тизими бюджетларига татбиқ этилади.

4. Ушбу Низомнинг амал қилиши Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида назарда тутилган, шунингдек, давлат сири бўлган маълумотлар ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирлар билан боғлиқ алоҳида операцияларга татбиқ этилмайди ва ушбу операциялар қонун хужжатларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

5. Ҳар бир чет эл валютаси бўйича алоҳида ЯВФҲ очилади.

6. Бюджет тизими бюджетларининг чет эл валютасидаги маблағларига Фазначилик томонидан ЯВФҲдан фойдаланган ҳолда хизмат кўрсатиш чет эл валютасидаги маблағларни кирим қилиш, тўловларни амалга ошириш, ҳисобини юритиш (кейинги ўринларда – валюта операциялари) орқали амалга оширилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (кейинги ўринларда – Молия вазирлиги) ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки (кейинги ўринларда – Марказий банк) ахборот тизимлари ўртасида электрон рақамли имзо қўлланилган ҳолда ахборот алмашинилади.

8. Қонун хужжатларига мувофиқ бюджет тизими бюджетларига ўтказилиши лозим бўлган чет эл валютасида тўланадиган тўловларни қабул қилиш учун белгиланган тартибда тушумлар бўйича чет эл валютасидаги шахсий ғазна ҳисобваракларини (кейинги ўринларда – ШФҲ) очиш ва ёпиш Фазначилик томонидан амалга оширилади.

9. Буюртмачиларнинг чет эл валютасидаги тушумлари (маблағлари) ЯВФҲга кирим қилинади ҳамда уларнинг ШФҲда акс эттирилади.

10. Буюртмачиларнинг чет эл валютасидаги харажатлари (тўловлари) ШФҲ қолдиқлари доирасида ЯВФҲдан Фазначилик ва унинг худудий бошқармалари томонидан ахборот тизимида амалга оширилади.

Буюртмачилар ШФҲдаги маблағлар улар томонидан товарлар ва хизматлар импорти учун тузилган шартномаларга мувофиқ сарфланади.

2-боб. Молия вазирлигининг чет эл валютасидаги операцияларини амалга ошириш тартиби

11. Молия вазирлигининг чет эл валютасидаги операцияларининг ҳисоби валюта турлари бўйича Фазначилик томонидан очиладиган алоҳида ШФҲда юритилади.

12. Молия вазирлигининг чет эл валютасидаги операциялари Фазначилик томонидан амалга оширилади.

13. Молия вазирлигининг чет эл валютаси ёки миллий валютадаги маблағларини миллий валютага ёки аксинча чет эл валютасига конвертация қилиш ҳамда тўловларни амалга ошириш Фазначилик томонидан Марказий

банкка тақдим этиладиган буюртмалар ва тўлов топшириқномалари асосида амалга оширилади.

14. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати кафолати остида халқаро молия институтлари ҳамда чет эл ҳукumatлари молия ташкилотларининг қарз ва кредитларини жалб қилган ташкилотлар жалб қилинган маблағлар бўйича тўловларни қайтариш жадвали асосида Ғазначиликнинг тегишли ЯВФҲга ўтказиб беради.

15. Ўзбекистон Республикаси томонидан берилган Ҳукумат кафолатлари бажарилишини таъминлаш мақсадида халқаро молия институтлари ҳамда чет эл ҳукumatлари молия ташкилотларидан жалб қилинган қарз ва кредитларнинг қайтарилиши бўйича тўловлар Ғазначилик томонидан ЯВФҲдаги маблағлар ҳисобига амалга оширилади.

16. Молия вазирлигининг ШФҲдаги бўш турган маблағларидан самарали фойдаланиш мақсадида чет эл валюта маблағлари Ғазначилик томонидан Марказий банк депозитига жойлаштирилиши мумкин.

17. Марказий банк томонидан депозитга қабул қилинган Молия вазирлигининг чет эл валютасидаги маблағлари ва уларнинг қолдиқлари бўйича тўлиқ маълумот Молия вазирлигининг ёзма мурожаатига асосан тақдим этилади.

18. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати номидан халқаро молия институтлари ҳамда чет эл ҳукumatлари молия ташкилотларидан жалб қилинган чет эл валютадаги қарзлар Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига мувофиқ Ғазначилик томонидан:

Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурини молиялаштиришга;

Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастурини молиялаштиришга;

тармоқларни, иқтисодиёт соҳаларини ва минтақаларни ривожлантириш дастурларини амалга ошириш бўйича тадбирларни молиялаштириш учун кредитларни (қарзларни) қайтадан кредитлашга йўналтирилади.

3-боб. Чет эл валютасидаги шахсий ғазна ҳисобваражларини очиш ва ёпиш тартиби

19. Бюджет тизими бюджетларининг ЯВФҲни юритиш учун тегишли валюта турлари бўйича ахборот тизимида Ғазначилик томонидан:

чет эл валютасидаги шахсий ғазна ҳисобвараги (лари)ни очиш ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ шаклдаги аризага;

чет эл валютасидаги шахсий ғазна ҳисобвараги (лари)ни ёпиш ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шаклдаги аризага асосан амалга оширилади.

Буюртмачилар ШФҲни очиш ёки ёпиш учун тақдим қилинган аризалар, тақдим этилган кундан бошлаб бир иш куни мобайнида ижро этилади.

Буюртмачилар томонидан ШФҲни очиш ёки ёпиш учун тақдим қилинган аризалар нотўғри расмийлаштирилган ёки тўлиқ тўлдирилмаган ҳолларда, тақдим этилган аризалар, улардаги камчиликларни бартараф этган ҳолда қайта киритиш учун бир иш куни мобайнида қайтарилади ва бу ҳақда буюртмачи хабардор қилинади.

4-боб. Имзолар намуналари ва муҳр изи карточкаси

20. Имзолар намуналари ва муҳр изи карточкаси буюртмачилар томонидан, дастлаб уларга ШФҲ очилганида ҳамда кейинчалик доимий равишда молия йили бошланишидан камида беш иш куни олдин ҳар молия йили учун ушбу Низомга З-иловага мувофиқ шаклда иккита асл нусхада тузилади. Карточканинг битта асл нусхаси Фазначилик ёки унинг худудий бошқармаларига тақдим қилинади ва иккинчиси буюртмачининг ўзида қолади.

Имзолар намуналари ва муҳр изи карточкаси буюртмачиларнинг юқори турувчи ташкилотлари томонидан тасдиқланади.

Агар буюртмачиларнинг юқори турувчи ташкилоти бўлмаса, унда имзолар намуналари ва муҳр изи карточкаси ушбу буюртмачиларнинг раҳбари томонидан тасдиқланади.

21. Имзолар намуналари ва муҳр изи карточкасининг орқа томонида буюртмачиларнинг ШФҲ рақамлари ва номлари кўрсатилади.

22. Имзолар намуналари ва муҳр изи карточкасига буюртмачиларнинг раҳбари, бош бухгалтери ва унинг ўринбосари, шунингдек, юрисконсульт ёки раҳбар томонидан ваколат берилган шахсларнинг имзолари намуналари киритилади ва буюртмачиларнинг муҳр изи билан тасдиқланади. Агар буюртмачиларда юрисконсульт штати мавжуд бўлмаса, унинг имзоси бўлиши талаб қилинмайди.

23. Имзолар намуналари ва муҳр изи карточкасидаги имзолар намуналари тегишли ходимларнинг ўз қўллари билан қўйилган бўлиши лозим. Имзолар намуналари факсимиле орқали қўйилишига йўл қўйилмайди.

24. Биринчи имзо ҳукуқи бош бухгалтерга ёки иккинчи имзо ҳукуқига эга бошқа шахсларга берилиши мумкин эмас.

Буюртмачиларда бухгалтер лавозими бўлмаганда имзолар намуналари ва муҳр изи карточкасининг иккинчи имзо қаторида “назарда тутилмаган” ёзуви кўрсатилади.

25. Шахсларга вақтинчалик биринчи ёки иккинчи имзо ҳукуқи берилганда, шунингдек, раҳбар томонидан ваколат берилган шахслардан бири вақтинчалик алмаштирилганда вақтинча ваколатга эга бўлган шахснинг имзо намунаси бўлган карточка, амал қилиш муддати кўрсатилган ҳолда ушбу Низомга З-иловага мувофиқ шаклда иккита асл нусхада тузилади ва Фазначилик ёки унинг худудий бошқармаларига битта асл нусхаси тақдим қилинади, иккинчи асл нусхаси буюртмачининг ўзида қолади.

26. Буюртмачининг имзолар намуналари ва муҳр изи карточкасида акс эттирилган муҳр ўзгарганда, имзолардан бири алмашганда ёки тўлдирилганда, ушбу буюртмачи тасдиқланган янги имзолар намуналари ва муҳр изи карточкасини тақдим этади. Амал қилиш муддати тугаган имзолар намуналари ва муҳр изи карточкалари Фазначилик ёки унинг худудий бошқармаларида сақланади.

27. Фазначилик ёки унинг худудий бошқармалари имзолар намуналари ва муҳр изи карточкасидан буюртмачиларнинг молиявий мажбуриятларини рўйхатдан ўтказишда ва ҳисобга олишда, шунингдек, тўловларни амалга оширишда улардаги имзолар ва муҳр изини имзолар намуналари ва муҳр изи карточкасида кўрсатилган имзолар ва муҳр изи намуналарига солиштиришда фойдаланади.

Бунда буюртмачиларнинг Фазначилик ёки унинг худудий бошқармаларига тақдим қилинган юридик ва молиявий мажбуриятларини тасдиқловчи ҳужжатлардаги имзолар ва муҳр изининг ҳақиқийлигига буюртмачилар раҳбарлари ва бош бухгалтерлари жавобгардир.

5-боб. Чет эл валютасидаги Ягона ғазна ҳисобварағидаги маблағларни конвертация қилиш тартиби

28. Буюртмачи чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш учун ушбу Низомга 4 ва 5-иловаларга мувофиқ шаклларда Фазначилик ва унинг худудий бошқармаларига буюртманомалар тақдим этади.

29. Буюртмачи томонидан тақдим этилган буюртманомалар Фазначилик ёки унинг худудий бошқармалари томонидан бир иш куни мобайнида буюртманомаларда кўрсатилган чет эл валютасини харид қилиш харажатларини қоплашга буюртмачи ШФҲда етарли маблағлар мавжудлиги, шунингдек, чет эл валютасини харид қилиш учун асословчи ҳужжатлар (хорижий ҳамкор билан тузилган шартнома, битим ва бошқалар) ҳамда буюртмачи ваколатли шахсларининг имзолари ва муҳр изини буюртмачи томонидан тақдим қилинган имзо намуналари ва муҳр изи карточкасига мувофиқлиги текширилади ҳамда хатоликлар аниқланмаганда, электрон шаклдаги буюртманома Фазначилик томонидан шакллантирилади.

Бунда Фазначилик чет эл валютасини харид қилиш учун буюртманомани электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда бир иш кунида Марказий банк томонидан тасдиқланган шакл бўйича Марказий банкка юборади.

30. Фазначилик томонидан юборилган буюртманома Марказий банк учун банклараро савдо сессиясида чет эл валютасини харид қилиш учун асос бўлиб ҳисобланади.

31. Буюртманома ижро қилинганидан сўнг Фазначилик ва унинг худудий бошқармалари унинг бир нусхасини ШФҲдан ушбу Низомга 6-иловага мувофиқ шакл бўйича кўчирма билан бирга буюртмачига тақдим этади.

32. Фазначилик Марказий банк томонидан қайтаrilган буюртманомаларда хатоликлар аниқлаган ҳолларда, хатоликлар аниқланган

кундан кейинги банк иш кунидан кечиктирилмасдан, электрон шаклда юборилган ҳолларда эса шу куннинг ўзида камчиликларни асосланган ҳолда тўғрилаш учун буюртманомаларни унга илова қилинган кўчирма нусхаси билан бирга буюртмачига қайтаради.

33. Газначилик томонидан Молия вазирлигининг чет эл валютасидаги операцияларини амалга оширишда чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш учун электрон шаклдаги буюртманома шакллантирилади ва электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда Марказий банкка юборилади.

6-боб. Чет эл валютасидаги шахсий ғазна ҳисобваракларидан тўловларни амалга ошириш тартиби

34. Чет эл валютасидаги шахсий ғазна ҳисобваракларидан тўловларни амалга ошириш учун буюртмачи Газначилик ва унинг худудий бошқармаларига ушбу Низомга 7-иловага мувофиқ шаклда иккита нусхада тўлов топшириқномасини тақдим этади.

35. Тўлов топшириқномаси қабул қилинганидан сўнг Газначилик ва унинг худудий бошқармалари томонидан бир иш куни мобайнида:

тўлов топшириқномасидаги имзолар ва муҳрнинг имзолар намуналари ва муҳр изи карточкасидаги имзолар ва муҳрларга мослиги;

тўлов топшириқномасининг тўғри тўлдирилганлиги ва кўрсатилган ШФҲда етарлиқ маблағлар мавжудлиги текширилади.

Буюртмачиларнинг ташки савдо амалиётлари мониторингини амалга ошириш мақсадида ғазначилик бўлинмалари тўловларни амалга оширишда ёки аккредитив очища Ташки савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизими (кейинги ўринларда – ТСОЯЭАТ)даги маълумотларни шартнома шартлари билан солиширишни амалга оширади.

Буюртмачилар томонидан ТСОЯЭАТга киритилган маълумотлар ўртасида фарқлар мавжуд бўлмаган тақдирда, газначилик бўлинмалари қонун хужжатларида белгиланган тартибда ушбу шартнома бўйича операцияларни амалга оширади.

36. Тўлов топшириқномаси Газначилик томонидан текширилади ҳамда камчиликлар бўлмаганида тўловни амалга ошириш учун электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда Марказий банкка юборилади.

37. Тўлов топшириқномаси ушбу Низомнинг 35-банди талабларига мувофиқ бўлмаганда Газначилик ва унинг худудий бошқармалари томонидан тўлов топшириқномасининг орқа томонида қайтариш сабабларини кўрсатган ҳолда бир иш кунидан кечиктирилмасдан буюртмачи масъул ходимига қайтарилади.

38. Газначилик томонидан тўлов топшириқномасининг асл нусхаси Марказий банкка тақдим этилмайди.

Газначилик томонидан тақдим этилган электрон тўлов топшириқномалари тўловни амалга ошириш учун асос бўлиб ҳисобланади.

Бунда тўлов топшириқномасининг асл нусхаси Газначилик ва унинг худудий бошқармаларида сакланади.

39. Бир ШФҲдан бошқа ШФҲга маблағ ўтказиш буюртмачи томонидан Газначилик ва унинг худудий бошқармаларига газначилик мемориал ордерини тақдим этиш орқали амалга оширилади.

40. Газначилик ва унинг худудий бошқармалари томонидан буюртмачининг тўлов топшириқномалари ва газначилик мемориал ордерларини ижро қилиш улар тақдим этилган кундан кейинги банк иш кунидан кечиктирмасдан амалга оширилади.

41. Буюртмачилар электрон тўлов топшириқномалари ва газна мемориал ордерларини Газначилик ва унинг худудий бошқармаларида дастурий таъминот орқали шакллантирган ҳолда, электрон хужжат шаклида электрон рақамли имзо билан тасдиқлаган ҳолда юбориши мумкин.

42. Газначилик томонидан Молия вазирлигининг чет эл валютасидаги операцияларини амалга оширишда тўловларни амалга ошириш учун электрон шаклдаги тўлов топшириқномаси шакллантирилади ва электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда Марказий банкка юборилади.

7-боб. Чет эл валютасидаги шахсий ғазна ҳисобварагларидан тўловларни амалга оширишда аккредитив бўйича ҳисоб-китоблар

43. Конун хужжатларига мувофиқ тузилган шартномада аккредитив тўлов шакли назарда тутилган бўлса, буюртмачи Газначилик ва унинг худудий бошқармаларига тегишли шартноманинг нусхасини илова қилган ҳолда ушбу Низомга 8-иловага мувофиқ шаклда икки нусхада аккредитивни очиш учун ариза тақдим этади.

44. Газначилик ва унинг худудий бошқармалари томонидан буюртмачи тақдим қилган аккредитив очиш учун ариза ва унга тегишли шартномадаги маълумотларнинг бир-бирига мувофиқлиги бир банк иш кунида текширилади.

Маълумотлар тўғри бўлганида, бир иш куни ичida ахборот тизимида аккредитив очиш бўйича электрон хужжат шакллантирилади.

Электрон хужжат шакллантирилганидан сўнг электрон рақамли имзодан фойдаланилган ҳолда Газначилик томонидан бир иш куни ичida Марказий банкка юборилади.

45. Газначилик томонидан аккредитивни очиш учун тақдим этилган ариза (электрон хужжат) асосида Марказий банк бутунжаон банклараро молиявий телекоммуникациялар ҳамжамияти (кейинги ўринларда – SWIFT) тизими орқали аккредитив очиш учун тегишли тижорат банкига белгиланган тартибда ижро этиш учун аризани юборади.

Газначилик ва унинг худудий бошқармалари томонидан аккредитивни очиш учун тақдим этилган электрон хужжат Марказий банк учун аккредитив очиш учун асос бўлиб ҳисобланади.

46. Ахборот тизими орқали аккредитив очиш учун тақдим этилган электрон ҳужжатларнинг асл нусхалари Ғазначилик ва унинг худудий бошқармаларида сақланади.

47. Аккредитив очилганлиги тўғрисидаги маълумот ахборот тизимида тушганидан сўнг аризада кўрсатилган маблағлар Ғазначилик ва унинг худудий бошқармалари томонидан бир иш куни буюртмачининг ШФҲдан аккредитив ҳисобварафига ўтказилади ҳамда аризанинг кўчирма нусхаси ва унга илова қилинган шартнома нусхаси Ғазначилик ва унинг худудий бошқармалари томонидан буюртмачиларга қайтарилади, асл нусхаси Ғазначилик ва унинг худудий бошқармалари томонидан ШФҲ бўйича юритиладиган йифма жилдга тикилади.

48. Ғазначилик Марказий банк ва тижорат банклари томонидан аккредитивни очиш учун аризани расмийлаштиришда хатоликлар аниқланган ҳолларда, хатоликлар аниқланган кундан кейинги иш кунидан кечиктирасдан, электрон шаклда юборилган ҳолларда эса шу куннинг ўзида хатоликларни асосланган ҳолда тўғрилаш учун аризани унга илова қилинган шартнома нусхаси билан бирга буюртмачига қайтаради (юборади).

49. Буюртмачиларнинг тузилган ташқи савдо шартномалари бўйича тўловларини амалга ошириш ва мониторингини олиб бориш белгиланган тартибда амалга оширилади.

Буюртмачиларнинг ташқи савдо шартномалари бўйича маблағларнинг ҳаракати тўғрисидаги тегишли маълумот Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимида Ғазначилик ва унинг худудий бошқармалари томонидан киритилади.

50. Буюртмачиларнинг ташқи савдо амалиётлари мониторингини амалга ошириш мақсадида Ғазначилик ва унинг худудий бошқармалари тўловларни амалга оширишда ёки аккредитив очишида Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимида маълумотларни шартнома шартлари билан солиширишни амалга оширади.

51. Буюртмачилар томонидан Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимида киритилган маълумотлар ўртасида фарқлар мавжуд бўлмаган тақдирда, Ғазначилик ва унинг худудий бошқармалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ушбу шартнома бўйича операцияларни амалга оширади.

Буюртмачиларнинг ташқи савдо шартномалари ҳамда бошқа ҳар қандай чет эл валютасидаги тўловларини амалга оширишда тижорат банклари ва чет эл банклари томонидан ундириладиган воситачилик ҳақларига тўловлар шартнома асосида Ғазначилик томонидан буюртмачиларнинг ШФҲдан амалга оширилади.

8-боб. Чет эл валютасидаги шахсий ғазна ҳисобварапларидаги маблағлар доирасида нақд пул маблағларини олиш тартиби

52. Нақд пул маблағларини олиш учун Газначилик ва унинг худудий бошқармалари томонидан тижорат банкларида тегишли чет эл валюта турлари бўйича мос равишда 23212 – “Молия вазирлиги Ғазначилиги маблағлари” ва 23214 – “Молия вазирлиги Ғазначилигининг худудий бўлинмалари маблағлари” ҳисобвараплари очилади.

53. Буюртмачининг ШФХдан нақд пул маблағлари олиш ва уларни қайтариш қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

54. ШФХдан нақд пул маблағларини олиш учун буюртмачи Ғазначилик ва унинг худудий бошқармаларига моддий жавобгар шахсга берилган ушбу Низомга 9-иловага мувофиқ шаклдаги ишончномани ҳамда ушбу Низомга 10-иловага мувофиқ шаклдаги нақд чет эл валюта маблағларини олиш учун буюртманома билан бирга тақдим этади.

55. Газначилик томонидан тўловни амалга ошириш учун Марказий банкка юборилган электрон тўлов топшириқномасини Марказий банк SWIFT тизими орқали бир иш куни мобайнида тегишли тижорат банкига ижро учун юборади.

56. Газначилик ва унинг худудий бошқармалари томонидан ахборот тизимида қабул қилинган тўлов топшириқномаси асосида ушбу Низомга 11-иловага мувофиқ шаклдаги пул буюртманомаси шакллантирилади ва у қофозга чиқарилган ҳолда тўлдирилади.

57. Марказий банкдаги ЯВФХдан нақд чет эл валюта маблағларини олиш учун буюртманома Ғазначилик томонидан муҳр билан тасдиқланади ҳамда буюртмачига тақдим этилади.

Газначилик худудий бошқармаларининг тижорат банкидаги транзит ҳисобварапидан нақд чет эл валюта пул маблағларини олиш учун буюртманома Ғазначиликнинг худудий бошқармалари томонидан муҳр билан тасдиқланади ҳамда буюртмачига тақдим этилади.

58. Газначилик ва унинг худудий бошқармалари томонидан буюртмачиларнинг нақд чет эл валютасидаги маблағларини олиш учун буюртманомалар тақдим этилган кундан бошлаб икки иш куни мобайнида амалга оширилади.

59. Буюртмачига нақд чет эл валютаси бериш буюртманома асосида Марказий банк томонидан Ғазначиликнинг ЯВФХдан, тижорат банки томонидан Ғазначиликнинг худудий бошқармаларининг транзит ҳисобварапидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Бунда нотўғри расмийлаштирилган буюртманомалар тақдим қилинган кунидан кейин бир иш кунидан кечиктирмасдан қайтарилади. Қайтарилган буюртманомалар бир иш куни мобайнида камчиликлар бартараф қилиниб, қайта расмийлаштирилади ва банкка тақдим қилинади.

9-боб. Якунловчи қоидалар

60. Фазначилик ва унинг худудий бошқармаларига тақдим этилган тегишли ҳужжатлар ва ушбу Низомга мувофиқ расмийлаштирилган тегишли ҳужжатлардаги маълумотларнинг асослилигига, ҳаққонийлигига ва тўғри расмийлаштирилганлигига шахсан буюртмачи жавоб беради.

61. Фазначилик томонидан Марказий банкка юборилган ҳужжатлардаги маълумотларнинг асослилигига ва ҳаққонийлигига Фазначилик жавобгар ҳисобланади.

62. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими
бюджетлари чет эл валютасидаги маблагларининг
ғазна ижроси тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

Чет эл валютасидаги шахсий ғазна ҳисобвараги (лари)ни очиш тўғрисида
АРИЗА
20 ___ йил“ ___ ” _____

Буюртмачилар томонидан тўлдирилади

Буюртмачи
номи _____
Бюджет _____
Вилоят _____
Туман (шахар) _____
Харажатларнинг вазифа жиҳатидан тасниф коди _____
Ташкилий тасниф коди _____

Молия вазирлиги ахборот тизимида чет эл валютасидаги шахсий ғазна ҳисобвараги очишни сўрайман.

Раҳбар _____ (имзо) _____ (Ф.И.О.)
М.ў.

Бош бухгалтер _____ (имзо) _____ (Ф.И.О.)

Газначилик томонидан тўлдирилади

Чет эл валютасидаги шахсий ғазна ҳисобваракини очиш учун тақдим
этилган аризани текширди: _____ (ходимнинг Ф.И.О.) (имзо) (санаси)

Молия вазирлиги ахборот тизимида чет эл валютасидаги шахсий ғазна ҳисобварагини очишга руҳсат этилади

Раҳбар _____ (имзо) _____ (Ф.И.О.)
М.ў.

20 ___ йил“ ___ ” _____ да чет эл валютасидаги шахсий ғазна ҳисобвараги(лари) очилди.

Разрядлар бўйича чет эл валютасидаги шахсий ғазна ҳисобвараги раками													
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14

Разрядлар бўйича чет эл валютасидаги шахсий ғазна ҳисобвараги раками													
15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	

Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими
бюджетлари чет эл валютасидаги маблағларининг
газна ижроси тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

Чет эл валютасидаги шахсий ғазна ҳисобварағи (лари)ни ёпиш тўғрисида
АРИЗА

20 ____ йил“____”_____

Буюртмачилар томонидан тўлдирилади

Буюртмачи

номи _____

Харажатларнинг вазифа жиҳатидан тасниф коди _____

Ташкилий тасниф коди _____

Фазначилик (ёки унинг худудий бошқармаси) номи _____

Чет эл валютасидаги шахсий ғазна ҳисобварағи рақами _____

(буюртмачи)

сабабли

(сабаби кўрсатилади)

чет эл валютасидаги шахсий ғазна ҳисобварагини ёпишингизни сўрайди.

Раҳбар

(имзо)

(Ф.И.О.)

М.Ү.

Бош бухгалтер

(имзо)

(Ф.И.О.)

Фазначилик (ёки худудий бошқарма) томонидан тўлдирилади

Молия вазирлиги ахборот тизимида чет эл валютасидаги шахсий ғазна ҳисобварағи ёпилди

Масъул ходим

(лавозими)

(имзо)

(Ф.И.О.)

Тегишли бўлим

(шўъба) бошлиги

(имзо)

(Ф.И.О.)

Раҳбар

(имзо)

(Ф.И.О.)

20 ____ йил“____”_____

Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими
бюджетлари чет эл валютасидаги маблағларининг
газна ижроси тартиби тўғрисидаги низомга
3-ИЛОВА

**20__ МОЛИЯ ЙИЛИ УЧУН ИМЗОЛАР НАМУНАЛАРИ ВА МУХР ИЗИ
СОНЛИ КАРТОЧКАСИ**

20__ й. «__» _____

(Буюртмачи номи)

(тасис хужжатларига мувофиқ тўлиқ ёки қисқа номи)

Жойлашган жойи _____

Телефон _____

Газначилик бўлинмаси номи _____

Шахсий газна хисобвараги бўйича операцияларни амалга оширишда молиявий хужжатларга имзо қўйиш
хукукига эга бўлган мансабдор шахсларнинг имзолари намуналари ва ташкилотнинг муҳр изи намунаси

Имзо қўйиш хукуки	Лавозими	Фамилияси, исми, отасининг исми	Имзо намунаси	Муҳр намунаси	Алоҳида белгилар (паспорт маълумотлари)
1	2	3	4	5	6
Биринчи					
Иккинчи					
Юрисконсульт (штатда мавжуд бўлган холларда)					

Буюртмачи раҳбари _____

(имзо)

(Ф.И.О.)

Буюртмачи бош бухгалтери _____

(имзо)

(Ф.И.О.)

(Ваколат ва имзолар тасдиқланганлиги тўғрисида юкори турувчи ташкилотнинг
белгиси)

Юқори турувчи ташкилот рахбари

(имзо)

(Ф.И.О.)

М.Ү.

20__ й. “__”

(Имзолар ҳақиқийлигини тасдиқловчы ёзув)

(сана (кун, ой, йил) сүз билан)

Юқори турувчи ташкилот бош бухгалтери

(имзо)

(Ф.И.О.)

Юқори турувчи ташкилот ижрочиси
(юрисконсульти)

(лавозими) (имзо)

(Ф.И.О.)

20__ й. “__”

Имзолар намунаси ва мұхр изи

карточкасининг орқа томони

T/p	Шахсий ғазна ҳисобвараги	Шахсий ғазна ҳисобварагининг номи
1.		
2.		
...		
...		
...		

Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими
бюджетлари чет эл валютасидаги маблағларининг
газна ижроси тартиби тўғрисидаги низомга
4-ИЛОВА

Чет эл валютасини сотиб олиш учун буюртманома

Буюртмачи томонидан тўлдирилади

Буюртманома рақами _____ санаси _____

Буюртмачи ва СТИР _____
миллий валютадаги _____ шахсий газна ҳисобвараги
(шахсий газна ҳисобвараги)

маблағлари ҳисобидан:

20 ____ йил _____ даги _____ -сон шартнома шартларига мувофик:
(“а”-“д” бандлар бўйича тўлдирилади)

- Чет эл валютасини
харид қилиши сабаби
(тагига чизилсин):
- а) ускуналар импорти учун;
 - б) бутловчи қисмлар импорти учун;
 - в) хомашё ва материаллар импорти учун;
 - г) хизматлар импорти учун;
 - д) чет эл кредитларига хизмат кўрсатиш учун;
 - е) хизмат сафари харажатлари учун;
 - ж) бошқа мақсадлар учун (кайси мақсад кўрсатилсин) _____

микдорида валюта сотиб олишни

(сотиб олинадиган валюта миқдори ва номи)

сотиб олинган валюта маблағларини чет эл валютасидаги _____
(шахсий газна ҳисобвараги)
шахсий газна ҳисобварагига кирим қилишингизни сўрайди.

Раҳбар _____
(имзо) _____ (Ф.И.О.)
М.ў.

Бош бухгалтер _____
(имзо) _____ (Ф.И.О.)

Газначилик (ёки худудий бошкарма) томонидан тўлдирилади

Буюртманома _____ куни соат _____ да _____ томонидан қабул қилинди.
(кун, ой, йил) (соат, минут) (масъул ходим Ф.И.О.)

Мазкур буюртманомага мувофик банклараро савдо сессиясида _____
(сотиб олинадиган валюта миқдори ва номи)
миқдорида валюта _____ сўм алмашув курси бўйича жами _____ сўмга сотиб олинди.

дан маблағлар ечилиди
(миллий валютада шахсий газна ҳисобвараги)
га маблағлар кирим қилинди.
(чет эл валютасида шахсий газна ҳисобвараги)

Тегишли бўлим
(шўъба) бошлиғи _____
(имзо) _____ (Ф.И.О.)

Раҳбар _____
(имзо) _____ (Ф.И.О.)

20 ____ йил “___”

Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими
бюджетлари чет эл валютасидаги маблағларининг
газна ижроси тартиби тўғрисидаги низомга
5-ИЛОВА

Чет эл валютасини сотиш учун буортманома

Буортмачи томонидан тўлдирилади

Буортманома рақами _____ санаси _____
Буортмачи номи ва СТИР _____
чет эл валютасидаги _____ шахсий газна ҳисобвараги
(шахсий газна ҳисобвараги)
маблағлари ҳисобидан _____ миқдорида валюта сотишни
(сотиладиган валюта миқдори ва номи)
сотишдан тушган маблағларни миллий валютадаги _____
(шахсий газна ҳисобвараги)
шахсий газна ҳисобварагига кирим қилингизни сўрайди.

Раҳбар _____
(имзо) _____ (Ф.И.О.)
М.ў.
Бош бухгалтер _____
(имзо) _____ (Ф.И.О.)

Газначилик (ёки худудий бошқарма) томонидан тўлдирилади

Буортма _____ куни соат _____ да _____ томонидан қабул қилинди.
(кун, ой, йил)(соат, минут)(масъул ходим Ф.И.О.)
Ушбу буортманомага мувофиқ банклараро савдо сессиясида _____
(сотиладиган валюта миқдори ва номи)
миқдорида валюта _____ сўм алмашув курси бўйича жами _____ сўмга сотилди.
дан маблағлар ечилиди
(чет эл валютасидаги шахсий газна ҳисобвараги)
(миллий валютадаги шахсий газна ҳисобвараги)
га маблағлар кирим қилинди.

Тегишли бўлим
(шўъба) бошлиги _____
(имзо) _____ (Ф.И.О.)
Раҳбар _____
(имзо) _____ (Ф.И.О.)
20 ____ йил“ ____ ”

Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими
бюджетлари чет эл валютасидаги
маблағларининг ғазна ижроси тартиби
тўғрисидаги низомга
6-ИЛОВА

Буюртмачиларнинг чет эл валютасидаги шахсий ғазна ҳисобвағидан
КЎЧИРМА

20 ____ йил “____” _____ учун

Газначилик (ёки ҳудудий бошқарма) номи _____

Буюртмачи номи _____

Шаклланган сана 20 ____ й “____”

Аввалги кўчирма санаси 20 ____ й “____”

Чет эл валютасидаги шахсий ғазна ҳисобвағи _____

Масъул ходим _____

(Ф.И.О.)

			Кун бошига колдик	Дебет айланмаси	Кредит айланмаси	Кун охирига колдик
Буюртмачиларнинг маблағлари						
Т.р.	Ҳисобварак	МФО	Хужжат раками	Дебет айланмаси	Кредит айланмаси	Харажатлар моддаси
Жами айланмалар						

Штамп ўрни

Газначиликнинг масъул ходими имзоси _____

20 ____ йил “____” _____

Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими
бюджетлари чет эл валютасидаги маблағларининг
газна ижроси тартиби тўғрисидаги низомга
7-ИЛОВА

Чет эл валютасидаги шахсий ғазна хисобвақларидан тўловларни
амалга ошириш учун тўлов топшириқномаси

Тўловчи инглиз тилида тўлдиради (<i>Fill up by remitter</i>) _____	
Тўлов топшириқномаси ___-сон _____._____.20__ й. Payment order: ___ : ___._____.20 _____	
50. Тўловчининг хисоби, номи ва манзили (<i>Remitters account and name</i>)	Acc. No. _____ Name _____ INN _____ Adress: _____
52. Тўловчининг банки (<i>Remitters bank</i>)	
32. Ўтказма валютаси ва суммаси (ракам ва сўз билан) Currency amount (in figures, in words)	
56. Ўтказмавалютасидабенефициарбанккорреспонденти <i>Correspondent of beneficiary's bank by currency of transfer</i>	
57. Бенефициар банкнинг номи (манзил, шаҳар, мамлакат ва бошқа мавжуд маълумотлар) <i>Beneficiary's bank (address, city, country, other details).</i>	
59. Бенефициарнинг хисоби, номи ва манзили <i>Beneficiary's account and name</i>	
70. Тўлов максади (бенефициар учун ахборот) <i>Details of payment (information details)</i>	
72. Ўтказманинг алоҳида шартлари (тўловчининг банки учун ахборот) Special terms of transfer (Information for beneficiary)	Budget organization _____ Treasury account _____ (Бюджет ташкилоти номи ва ғазна хисобвараги)
71. Чет эл банкнинг воситачилик ҳаки қўйидагилар хисобига: <i>Foreign bank charges to be paid by:</i>	Тўловчи Remitter "OUR" _____ Тўловчи ва бенефициар Beneficiary "SHA" _____ Бенефициар Beneficiary "BEN" _____
Тўловчи раҳбари мзоси. Signature of remitter, manager	
Бош бухгалтер имзоси. Signature of chief accountant	
Муҳр Seal	

Ғазначилик томонидан тўлдирилади		
Бошқарма бошлиги		Муҳр
Бўлим бошлиги		
Масъул ижрочи		

Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими
бюджетлари чет эл валютасидаги маблағларининг
газна ижроси тартиби тўгрисидаги низомга
8-ИЛОВА

Аккредитив очиш учун ариза / Credit application №_____

Сана _____

50 Буйруқ берувчи / Applicant Treasury of Ministry of Finance of Republic of Uzbekistan Budget organization Address: _____ (street, city, index, country)	59 Бенефициар/Beneficiary
40A Аккредитив шакли/Type of L/C: <input type="checkbox"/> чакириб олинмайдиган irrevocable <input type="checkbox"/> чакириб олинадиган revocable	
31D Аккредитив тугаш санаси ва жойи/Date and place of Expiry /	
57A Авизоловчи банк/Second Advising Bank	49 Таслиқланш шартлари / New confirmation instructions <input type="checkbox"/> тасдиқланадиган/confirmed <input type="checkbox"/> кўшимча шартлар/may add <input type="checkbox"/> тасдиқланмайдиган/ not-confirmed
32B Аккредитив суммаси ва валютаси/ L/C currency code and amount	
41A Аккредитив ижроси/Credit available with... Бажарувчи: Банк /Bank	
Кийидаги йўл билан by: <input type="checkbox"/> тўлов хужжати тақдим этиш sight payment <input type="checkbox"/> акцепт acceptance <input type="checkbox"/> бошқалар others <input type="checkbox"/> кечкитирилган тўлов deferred payment <input type="checkbox"/> ўзаро келишув negotiation	
43P Кисман юклаб жўнатиш / Partial shipments	43T Кайта юклаш/Transshipment <input type="checkbox"/> рухсат этилган allowed <input type="checkbox"/> рухсат этилмаган notallowed
44A...га жойни гаплашиш/жўнатиладиган жой/ кабул қилиш жойи / Place of talking in charge /Dispatch from /Place of Receipt 44E...дан юклаш/жўнатиш/ташиб учун қабул қилиш / Shipment/ dispatch taking in charge at/ from: 44F...га жўнатиш учун / For transportation to: 44B...етказишини охирги манзили/дан траспортировка гача../ етказиб бериши жойи/Place Of Final Destination /For Transportation To /Place Of Delivery 44C...юклаб жўнатишнинг охирги муддати / Latest date of shipment: 44D....юклаш даври /Shipment period	
45A товарлар ёки хизматлар тавсифи/Description of Goods and/or Services A rotary evaporator: Manufacturer: Country of Origin:	
Етказиб бериши шартни/Terms of delivery <input type="checkbox"/> FCA <input type="checkbox"/> FAS <input type="checkbox"/> FOB <input type="checkbox"/> CPT <input type="checkbox"/> CIP <input type="checkbox"/> CIF <input type="checkbox"/> DAT <input type="checkbox"/> DAP <input type="checkbox"/> DDP Tashkent-Airport, Uzbekistan	
46A Талаб этиладиган хужжатлар / Documents Required	
<input type="checkbox"/> Commercial invoice of the Beneficiary for shipped goods amount – 1 original <input type="checkbox"/> Air waybill with stamp of customs of Applicant's country – 1 copy <input type="checkbox"/> Insurance policy covering 110% of CIP value – 1 copy <input type="checkbox"/> Certificate of Origin for goods - 1 copy	
48 Хужжатларни тақдим қилиш даври кунларда/Period for document presentation in Days :within L/C expiry date	
47A Кўшимча шартлар/Additional Conditions:	

71B Воситачилик ва бошқа харажатлар/Charges and commissions:

All bank charges and commissions in the Beneficiary's bank are for account of the Beneficiary, all other charges and commissions are for account of the Applicant.

Рахбар _____
(имзо) _____
М.Ү. _____

Бош бухгалтер _____
(имзо) _____
(Ф.И.О.)

Газначилик бўлинмаси томонидан тўлдирилади

Масъул ходим _____
(лавозими) _____
(имзо) _____
(Ф.И.О.)

Тегишли бўлим
(шўйба) бошлиғи _____
(имзо) _____
(Ф.И.О.)

Рахбар _____
(имзо) _____
(Ф.И.О.)

20 ____ йил“ ____ ”

Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими
бюджетлари чет эл валютасидаги маблағларининг
газна ижроси тартиби тўғрисидаги низомга
9-ИЛОВА

Штамп*

ИШОНЧНОМА

(Буюртмачи номи)
моддий жавобгар шахсга ишонч билдиради

(Ф.И.О.)

(паспорт раками, серияси, берилган сана ва ким томонидан берилган)
Куйидаги шахсий газна ҳисобваракларидан нақд пул олишга:

Моддий жавобгар шахснинг имзосини _____ тасдиқлаймиз

(Ф.И.О.)

Мазкур ишончнома 20____ йил _____ гача ҳакикий.

Буюртмачи раҳбари

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

Буюртмачи бош бухгалтери

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

20____ йил «____».
М.Ў.

Раҳбар _____
(газначилик бўлинмаси номи)

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

М.Ў.

20____ й. «____».

Изоҳ. Буюртмачи газначилик бўлинмасига ишончномани гербли бланкада тақдим
этади, гербли бланка мавжуд бўлмагандан эса-ташикилотнинг бурчакли штампи қўйилган
ҳолда тоза варакда тақдим этилади.

Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими
бюджетлари чет эл валютасидаги маблағларининг
газна ижроси тартиби тўғрисидаги низомга
10-ИЛОВА

Нақд чет эл валютаси маблағларини олиш учун буюртманома

20__ й. “__” _____ - сон

Буюртмачи номи _____

Чет эл валютасидаги шахсий газна ҳисобвараги _____

Сумма рақам ва сўз билан	
Кимга	
Мақсади	
Асос	

Буюртмачи раҳбари _____ Ф.И.О.
(имзо)

М.Ў.

Буюртмачи бош бухгалтери _____ Ф.И.О.
(имзо)

Буюртманома _____ куни соат _____ да _____ томонидан қабул қилинди.
(кун, ой, йил) (соат, минут) (масъул ходим Ф.И.О)

Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими
бюджетлари чет эл валютасидаги маблағларининг
газна ижроси тартиби тўғрисидаги низомга
11-ИЛОВА

**Молия вазирлиги Газначилиги томонидан иштади чет эл валютаси маблағларини
олиш учун буюртманома**

Шахсий газна ҳисобвараги _____

Транзит ҳисобвараги/ягона газна ҳисобвараги _____
санадан _____ санагача тўлаш учун

Жами суммаси _____
(рақам ва сўзлар билан)

Олувчининг номи _____
(паспортдаги Ф.И.О.)

Олувчи маълумотлари _____
(паспорт маълумотлари)

M.Ý	Газначилик бўлинмаси		
	Масъул ходим	_____	
		(имзо)	(Ф.И.О.)
	Тегишли бўлим	_____	
	(шўйба) бошлиги	(имзо)	(Ф.И.О.)
M.Ý	_____		
Рахбар	_____		
	(имзо)	(Ф.И.О.)	
20 ____ йил " ____ "	_____		

Ушбу буюртманомада кўрсатилган суммани олдим _____		(имзо)
Олувчи шахсини тасдиқловчи белги:		
-ракамли	хужжат тақдим	
этилди	(хужжат номи)	
муассаса номи	20 й. " ____ " берилди	
Берилган жойи	_____	
Текширилди	Тўлансин Масъул ижрочи Бухгалтер	20 йил " ____ "
Назоратчи		Тўланди Кассир

